

10-16-2017

Theoretical and methodological aspects of the institution of public control

M. Najimov

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, m.najimov@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law



Part of the [Public Law and Legal Theory Commons](#)

Recommended Citation

Najimov, M. (2017) "Theoretical and methodological aspects of the institution of public control," *Review of law sciences*: Vol. 1 , Article 3.

Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol1/iss1/3

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF THE INSTITUTION OF PUBLIC CONTROL

M.NAJIMOV^a Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

^a Tashkent State University of Law

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИНСТИТУТА ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ

М.НАЖИМОВ^а Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,
Узбекистан

^аТашкентского государственного юридического университета

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ - МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

М.НАЖИМОВ^а Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

^а Тошкент давлат юридик университети

Аннотация: мақолада жамоат назорати тушунчаси, мақсади, вазифалари, принциплари каби масалаларнинг назарий-методологик жиҳатлари таҳлил этилган. Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, жамоатчилик назоратига оид олимларнинг ёндашувлари таҳлил қилинган ва унда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: жамоат назорати, давлат, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Аннотация: в статье анализируются теоретико-методологические аспекты понятия, цели, задачи и принципы общественного контроля. Рассмотрены вопросы связанные с местом и значением институтов гражданского общества в практическом осуществлении общественного контроля. На основе анализа различных подходов ученых сформулировано авторское определение общественного контроля.

Ключевые слова: общественный контроль, государство, гражданское общество, средство массовой информации, органы самоуправления.

Abstract: the theoretical-methodological aspects of concept of public control, purpose, functions, and principles are analyzed in the article. The issues connected with the role and importance of civil society in implementing public control are lightened. In addition, the scientists' approaches to the notion of public control are analyzed and proven definition is worked out.

Keywords: public control, state, civil society, Mass media, self-governing bodies.

Мамлакатимизда бугунги кунда демократик ривожланишнинг янги бир bosқичига ўтиш жараёни юз бермоқда. Демократик сайловлар, кўппартиявийликнинг мустахкамланиб бориши, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият доирасининг тобора кенгайиб бориши, парламентдаги партия фракцияларининг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини мустахкамланиши – булар ҳаммаси ҳуқуқий

демократик давлатни барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги собит қадамлардир.

Фуқаролик жамияти – ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларида асосий нодавлат тузилма (уюшма, партия) ларни вужудга келтирадиган жамиятдир. Мазкур жамият ўз фаолиятида давлатдан, унинг идораларидан холи бўлган хусусий шахслар, гуруҳлар ва институтларнинг муштарак тизимидир. Фуқаролик жамиятини мамлакатдаги давлат-ҳокимият тузилмалари доирасига кирмайдиган ижтимоий муносабатлар, алоқалар жамулжами тарзида таърифлаш мумкин.

Давлат ва унинг органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги, ижтимоий шериклиги мамлакат таракқиётининг самарали кафолатларидан биридир. Табиийки, ушбу ҳамкорлик (шериклик) қонунлар доирасида, шунингдек ахлоқ, маданият, урф-одат ва анъаналар асосида кечади. Бу жараёнда шунга урғу бериш керакки, давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари турли мазмундаги ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий ва юридик масалалар бўйича мулоқотга киришар экан, улар ҳуқуқнинг тенг субъектлари сифатида майдонга чиқишлари назарда тутилади. Бунда ижтимоий шериклар ўз имкониятларини бирлаштириб уйғун ҳаракат қилиш баробарида, бир-бирини ўзаро назорат ҳам қилади.

Ҳозирга қадар мамлакатда давлат идоралари, жамият тузилмалари, фуқаролар фаолияти устидан давлат назоратининг қўйидаги турлари шаклланган, яъни конституциявий назорат, парламент назорати, Омбудсман назорати, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ назорати, суд назорати (контроли), прокурор назорати, молиявий (бюджет) назорат, ижро ҳокимияти тузилмаларидаги ички назорат, ички ишлар идоралари тизимидаги (маъмурий) назорат, экологик назорат, тоғ-кон назорати, санитария назорати ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан ижтимоий ҳаётда адолат ва қонунийлик таъминланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари рўёбга чиқарилиши борасида, жамият манфаатлари муҳофазаланиши юзасидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати ҳам давлат назорати каби кенг қўламли тарзда шакллантирилиши бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, фуқаролик жамиятининг муҳим хусусияти унинг давлат органлари фаолиятини самарали назорат қила олишидадир. Фуқаролик жамиятида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати унинг институтлари томонидан амалга оширилади. Давлат назорати билан бир қаторда жамоатчилик назоратини кучайтириш – давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг ишончли механизми сифатида майдонга чиқади.

Шу муносабат билан фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бўлмиш “жамоатчилик назорати” тушунчасига тўғри юридик таъриф берилиши амалий ва назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга масаладир. Чунки “жамоатчилик назорати” тушунчасига хорижий ва миллий юридик адабиётларда берилган таърифларда олимлар яқдил фикрда эмас. Бу борада муайян бир ёндашувни шакллантириш учун ўқув ва илмий адабиётларда жамоатчилик назорати тушунчаси қай тарзда талқин этилиши борасида эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида, жамоатчилик назорати – бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат, деб қайд этилган.

Р.Ҳакимовнинг фикрича, жамоатчилик назорати кучли фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиларидан бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслар фаолиятини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан мунтазам назорат қилишни англатади.

Айрим олимларнинг фикрича, жамоатчилик назорати – бу сиёсий партиялар, турли жамоат бирлашмалари, кўнгилли ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар, яъни жамоатчилик назорати субъектлари томонидан давлат органлари фаолиятида қонунийликка ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга риоя этилиши устидан амалга оширадиган ижтимоий назоратдир.

Жамоатчилик назоратини ижро ҳокимияти устидан амалга ошириш масалаларини монографик жиҳатдан ўрганган Х.Р.Мухамедходжаеванинг фикрича, “Жамоатчилик назорати жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, олимлар жамияти, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар ҳамда уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа уюшмалар томонидан назорат қилинаётган давлат органи фаолиятида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, кучайтириш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир”. Мазкур таърифда тадқиқотчи жамоатчилик назорати субъектларини номма-ном келтириб ўтади.

Профессор О.Оқюлов жамоатчилик назоратини иқтисодиёт соҳаси билан чеклаган ҳолда кўрсатади, яъни “фуқаролик жамиятида илгари давлат бошқарувида бўлган ишларни бир қисми жамоа бошқарувига ўтади, шунингдек кучли жамоат назорати тизими амал қилади. Иқтисодиёт соҳасида, масалан, ҳакамлар судлари ва халқаро арбитражлар томонидан низоларни ҳал этиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат бирлашмалари фаолият юритиши бунга яққол мисол бўла олади”, деб таъкидлаб ўтади.

Б.И.Исмоилов жамоатчилик назорати тушунчасини фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви устидан назоратидир, деб тавсифлайди.

Тадқиқотчи Ж.Чоршанбиев фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоатчилик назоратининг аҳамияти ҳақида фикр юритиб, “жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат барқарор бўлишида шахс, жамият ва давлат алоқаларида тенглик, масъулият ва жавобгарлик бўлиши учун хизмат қиладиган муҳим омилдир. У инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан қафолатланиши, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини таъминлайди. Жамоатчилик назорати – фуқаролар томонидан амалга ошириладиган назоратдир”.

Тадқиқотчи Ш.Бафаев жамоатчилик назорати ҳақида мушоҳада этиб, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш нафақат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қарорлари қанчалик сифатли чиқарилиб, ижрочиларга етказилишигагина боғлиқ бўлмасдан, балки аҳолининг мазкур ижтимоий-иқтисодий қарорларнинг ҳокимият томонидан кўзда тутилган ечимларига муносабати ҳамда аҳоли давлат-ҳокимият ваколатларга эга бўлган давлат органлари таъсир кўрсата оладими ва уларнинг фаолиятини назорат қила оладими, деган масалаларга ҳам боғлиқдир. Шунга кўра бугунги кунда кун тартибида биринчи ўринга давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш масаласи қўйилмоқда.

Ҳуқуқшунос олим Ж.Абдуллаев фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни масаласида фикр юритади. “Давлат ҳокимияти органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги – фуқаролик жамиятининг энг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ходисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчиси ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиши муҳим аҳамиятга эгадир”.

Жамоатчилик назорати борасида қатор илмий изланиш олиб борган В.В.Федоров уни кенг ва тор маъноларда тушуниш лозимлигини таъкидлар экан, кенг маънодаги “жамоатчилик назорати”га давлатнинг жамият олдигаги ўз мажбуриятларини таъминлаш учун давлатга фуқаролик жамияти томонидан таъсир ўтказиладиган усул, восита, тамойил

ва шакллар йиғиндиси сифатида таърифласа, тор маънодаги жамоат назоратига жамият ва давлат ўртасидаги норматив белгиланган муносабатларнинг амалга оширилишини таъминловчи фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти сифатида изоҳлайди.

Россия Федерацияси Жамоатчилик палатасининг ҳуқуқий мақомини тадқиқ этар экан, ҳуқуқшунос олим С.С.Тахоева Жамоатчилик палатасининг жамоатчилик назорати функциясини изоҳлаш давомида, жамоатчилик назоратига Ҳукумат, ижроия ҳокимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, шунингдек оммавий ахборот воситалари томонидан сўз эркинлигига риоя этилиши устидан амалга ошириладиган назорат сифатида таъриф беради.

Гувоҳ бўлганимиздек, юқорида келтирилган иккала таърифда ҳам жамоатчилик назорати тушунчасига турлича ёндашув мавжуд. Жумладан, В.В.Федоров жамоатчилик назорати тушунчасига давлатга фуқаролик жамияти томонидан таъсир ўтказиладиган усул, восита, тамойил ва шакллар йиғиндиси сифатида берган таърифида фуқаролик жамияти ва давлат тушунчалари ўртасидаги мувозанат мавҳум бўлиб қолаётган бўлса, С.С.Тахоева томонидан берилаётган таърифда фақатгина қайси субъектлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўтказилиши санаб ўтилиб, тушунчанинг ўзига эса изоҳ берилмасдан қолмоқда. Айни пайтда С.С.Тахоева томонидан келтирилган таърифдаги оммавий ахборот воситаларининг сўз эркинлигига риоя этилиши устидан назорати борасидаги фикри баҳслидир.

Россиялик ҳуқуқшунос олим С.М.Зубарев мазкур тушунчага куйидагича таъриф беради: Жамоатчилик назорати – бу фуқаролик жамияти институтлари ва алоҳида фуқароларнинг давлат органларини норматив ҳуқуқий стандартларга қай даражада мос фаолият юритишини кузатиш ва аниқланган четга чиқишларни тузатиш учун ваколатли давлат органларига ёки жамоатчилик фикрига мурожаат этишдир.

Жамоатчилик назорати, кундалик ижтимоий ҳаётда, асосан, иқтисодиёт, хўжалик ва ижтимоий-маданий (жамоат тартибини сақлаш соҳаларида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маориф) каби соҳаларда амалга оширилади.

Жамоатчилик назорати функциясини амалга оширадиган жамоат ташкилотлари у саноат соҳасида бўладими, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бўладими (шу каби бошқа соҳаларда ҳам) давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига фуқароларнинг ҳуқуқларининг бузилиши юзасидан билдиришномалар, таклифлар бериш, қонунчиликни тўғри қўллаш юзасидан тақдимномалар киритиши мумкин (буни ҳозирги кунда етти миллиондан ортиқ аъзосига эга бўлган қасаба уюшмалари мисолида ҳам кўришимиз мумкин). Фуқаролар жамоатчилик назоратини амалга оширишда жамоат ташкилотлари орқали ўзларининг мурожаатлари – ариза, шикоят, таклифлари билан иштирок этадилар. Бу ёлғиз ҳолда амалга оширилгандан кўра анча самаралироқдир.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш баъзи соҳаларда, масалан, қуролли кучлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, ташқи савдо, ташқи ишлар, давлат ва давлат хизмати сирларини қўриқлашни таъминлаш каби давлатнинг муҳим маъмурий-сиёсий соҳаларда чегараланган ҳолда амалга оширилади.

Жамоат ташкилотлари ушбу йўналишларда ўз фаолиятларини амалга ошириш чоғида бошқа жамоатчилик ташкилотларига, фуқароларга мажбурлов характерида эга бўлмаган тавсияларни берадилар. Бундай йўналишда жамоат ташкилотлари мустақил тарзда фуқаролар томонидан ёки бошқа жамоатчилик ташкилоти Кенгаши томонидан унинг фаолияти йўналиши тарзида тузилиши мумкин. Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ёки мустақил маҳалла аҳли фуқароларнинг жамоат тартибини назорат қилувчи ихтиёрий-қўнғилли бирлашмаси тузилиши мумкин. Бинобарин, давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида қонунийликни ва ижтимоий адолат тамойилига риоя қилишни таъминлашда жамоатчилик назоратининг аҳамияти ўзгача.

Жамоатчилик назорати – фуқаролик жамиятининг ажралмас хусусиятидир. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда, айниқса, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор аҳамият касб этади.

Агар ушбу масала бўйича жаҳон тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, “Россия Федерациясида жамоатчилик назоратининг асослари тўғрисида”ги 2014 йил 21 июлдаги Қонуннинг “Жамоат назорати” деб номланган 4-моддасида жамоатчилик назоратининг нафақат давлат ҳокимияти органлари, балки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва муниципал ташкилотлар ва федерал қонунчилик бўйича алоҳида оммавий ваколатларни амалга оширувчи бошқа орган ва ташкилотлар фаолияти устидан кузатиш ва улар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларни жамоатчилик таҳлилини ва экспертизасини амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Бинобарин, аҳолига коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатувчи давлат корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ҳам давлат органлари билан бир қаторда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи субъектлар ҳисобланади.

Шу билан бирга, жамоатчилик назоратига қуйидагича таъриф бериш мумкин, деб ҳисоблаймиз: “**Жамоатчилик назорати** – давлат органлари ва давлат корхоналари, ташкилотлари, муассасалари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, ушбу субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик ҳолатларини ўрганишга қаратилган усул ва воситалар мажмуидир”.

Бинобарин, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг мақсади давлат органлари ва маҳаллий органлар фаолиятида самарадорликни кучайтириш, давлат сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда мансабдор шахслар томонидан қонунга риоя қилиш ҳамда фуқаролар, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларининг фаолиятини самарали ва энг муҳими қонуний амалга оширишлари учун кўмаклашишдан иборат.

Давлат ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратининг яна бир муҳим мақсади – мазкур тизимга кирувчи давлат органлари фаолиятида турли суиистеъмолчиликлар ва қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳисобланади. Масалан, соғлиқни сақлаш муассасаларида санитария-гигиена ва бошқа қоидаларига етарли даражада риоя этмаслик оқибатларини аниқлаб, бу салбий ҳолатга тегишли ваколатли юқори ташкилотлар ва кенг жамоатчилик эътиборини қаратган ҳолда, мутахассислар ёрдамида бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш чораларини таклиф этиш.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратининг яна бир мақсади – мазкур органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати олиб бориш ва бу соҳадаги ишларни яхшилаш ҳисобланади. Масалан, давлат ҳокимияти органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши ва фуқароларнинг мурожаатларидаги талаб ва истакларнинг бажарилиши устидан тегишли жамоатчилик назоратини олиб бориш.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти серкирра бўлиб, уларнинг кўпгина йўналишлари бевосита фуқароларнинг кундалик эҳтиёжлари, турли хил хизматларни кўрсатишни ташкил этиш билан боғлиқдир, жумладан, аҳолига тиббий, маърифий, маиший ва бошқа хизматлар. Шунга боғлиқ ҳолда давлат ҳокимияти фаолияти юзасидан

жамоатчилик назоратини олиб боришнинг яна бир муҳим мақсади бўлиб, аҳолига кўрсатиладиган турли хизматларнинг сифатини ошириш ҳисобланади. Масалан, тиббий муассасаларда, хусусан, стоматологик, туғруқхона каби тиббиёт муассасаларида санитария-гигиена қоидаларининг тўлиқ бажарилиши устидан, озиқ-овқат корхоналари ҳамда ошхона, кафе ва ресторанларда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ва маҳсулотлар, шунингдек тайёр таомларнинг тегишли стандартларга мослиги масаласини назорат қилиш.

Давлат ҳокимияти органлари тизимига кирадиган давлат органлари, корхона, муассаса ва турли ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда жавобгарлигини кучайтириш – давлат ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратининг пировард мақсади ҳисобланади. Жамоатчилик назорати натижасида давлат ҳокимияти органи раҳбарлари фаолиятидаги ўзи бўларчилик, сансоларлик, лоқайдлик каби иллатлар очиб ташланади ва уларни бартараф этиш талаб қилинади.

Демократик давлатларнинг тажрибаларидан бизга маълумки, жамоатчилик назоратининг мақсади давлат органларининг ва маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини кучайтириш, давлат сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда мансабдор шахслар томонидан қонунга риоя қилиш ҳамда фуқаролар, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ўзларининг фаолиятини самарали амалга оширишлари учун кўмаклашишдан иборатдир.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидаги бир қатор вазифалари мавжуд:

- давлат сиёсатини шакллантиришда давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув фаолиятининг очиқлигини таъминлаш;
- давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳамда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш;
- жамият учун аҳамиятли бўлган муаммоларни ва давлатнинг ривожланиши учун кенг оммавий муҳокама шакллари механизмини ишлаб чиқиш, ривожлантириш в.б.

Бу борада хориж тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, жамоатчилик назорати билан боғлиқ масалалар бугунги кунда яхлит қонун сифатида фақат Россия Федерациясида тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, “Россия Федерациясида жамоатчилик назоратининг асослари тўғрисида”ги 2014 йил 21 июлдаги Қонуннинг “Жамоат назоратининг мақсади ва вазифалари” деб номланган 6-моддасида қуйидагилар **жамоатчилик назоратининг мақсади** сифатида белгилаб қўйилган:

1) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ, ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошишини таъминлаш;

2) федерал қонунлар асосида муайян оммавий ваколатларни амалга ошириш жараёнида давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва муниципал ташкилотлар, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан қарорлар қабул қилишда фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг фикрлари, таклиф ва тавсияларини ҳисобга олинишини таъминлаш;

3) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу билан бирга уни амалга ошишини таъминлаш мақсадида федерал қонунлар асосида муайян оммавий ваколатларни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва муниципал ташкилотлар, бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини жамоатчилик нуқтаи назаридан баҳолаш.

Жамоатчилик назоратининг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- 1) фуқаролик ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ривожлантириш;

2) фуқароларнинг давлат фаолиятига нисбатан ишончи даражасини ошириш, шунингдек давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишин таъминлаш;

3) ижтимоий зиддиятларнинг олдини олиш ва ҳал этишга кўмаклашиш;

4) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ва ноижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролик ташаббусларини амалга ошириш;

5) федерал қонунлар асосида муайян оммавий ваколатларни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва муниципал ташкилотлар, бошқа органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш;

6) жамиятда коррупцион хулқ-атворга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш;

7) федерал қонунлар асосида муайян оммавий ваколатларни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари, давлат ва муниципал ташкилотлар, бошқа органлар ва ташкилотларнинг фаолиятининг самарадорлигини ошириш.

Россия Федерациясининг юқорида келтириб ўтилган тажрибаси ва жамоатчилик назорати борасида мамлакатимизда шаклланган миллий амалиётни таҳлил этиш асносида жамоатчилик назоратининг мақсад ва вазифаларини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

– давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлаш;

– жамият манфаатларини ҳимоя қилиш.

Жамоатчилик назоратининг **вазифалари** эса қуйидагилардан иборат:

– давлат органлари ва жамиятнинг ўзини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини таъминлаш;

– давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва уларнинг таъминланиш аҳволи тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш;

– давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунга риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлаш ва кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, уларни жамоатчилик ёрдамида бартараф этиш, жамиятда ижтимоий адолат принципини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

Амалга оширилган юқоридаги таҳлиллар натижасида шуни таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимияти органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати қатор мақсадларга эришишни назарда тутди. Шу тоифадаги назоратнинг мақсади ҳокимиятнинг тегишли органи ва аҳолининг эътиборини ҳал этилишга доир бўлган муаммога қаратиш ҳам унинг ечимини топишга ҳаракат қилиш, масалан, ички ишлар органлари фаолиятида қонунийликни кучайтириш зарурлигига ички ишлар органлари эътиборини қаратиш ҳамда тегишли фактларни оммага етказиш, кенг жамоатчиликни бохабар қилиш, муаммонинг ечимини топишга ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

References:

1. Karimov I.A. Biz tanlagan yo‘l – demokratik taraqqiyot va ma'rifiy dunyo bilan hamkorlik yo‘li. T.11. – T.: O‘zbekiston, 2003. – B.28 – 29.

2. Abdullayev J.M. Fuqarolik jamiyatini shakllantirishda ommaviy axborot vositalarining roli (nazariy-huquqiy masalalar). Yurid. fan. nomz. ... dis. avtoreferati. – T., 2008. – B.27.
3. Bafayev Sh. Obshyestvenniy kontrol kak vajniy faktor postroyeniya demokraticeskogo pravovogo gosudarstva i grajdanskogo obshyestva // Obshyestvennoye mneniye. Prava cheloveka. – T., 2007. № 1. – S.30.
4. Zubarev S.M. Ponyatiye i sumnost obshyestvennogo kontrolya za deyatelnostyu gosudarstvennix organov. elektron resurs: <http://justicemaker.ru>.
5. Ismailov B. Davlat faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini amalga oshirishning amaliy jihatleri // “O‘zbekistonda fuqarolik jamiyati institutlarini shakllantirish masalalari: nazariya va amaliyot” mavzusidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – T., 2007. – B. 44–49.
6. Istiqolol va istiqbol. Mualliflar jamoasi. – T.: O‘zbekiston, 2012. – B.286.
7. Muxamedxodjayeva X.R. Ijro hokimiyati faoliyati yuzasidan jamoatchilik nazorati: nazariy-huquqiy muammolar. Yurid. fanlar nomz. dis... avtoref. – Toshkent, 2011. – B.16.
8. Odilqoriyev X. Fuqarolik jamiyati qaror topishining asosiy tamoyillari va qonuniyatlari // “O‘zbekistonda fuqarolik jamiyati institutlarini shakllantirish masalalari: nazariya va amaliyot” mavzusidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – T., 2007. – B.81.
9. Oqyulov O. Fuqarolik jamiyati va erkin iqtisodiyot // “O‘zbekistonda fuqarolik jamiyati institutlarini shakllantirish masalalari: nazariya va amaliyot” mavzusidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – T., 2007. – B.51.
10. Saburov N. Kuchli jamoatchilik nazorati- fuqarolarning siyosiy-huquqiy faolligining ko‘rsatkichi // Hozirgi zamon davlat va huquq nazariyasining dolzarb muammolari. Ilmiy-nazariy konferensiya materiallari to‘plami. 2-to‘plam. – Toshkent: TDYI, 2012. – B.17.
11. Taxoyeva S.S. Konstitutsionno-pravovoy status Obshyestvennoy palati Rossiyskoy Federatsii: voprosi teorii i praktiki. Avtoreferat dissertatsii na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk. 12.00.02 – konstitutsionnoye pravo; munitsipalnoye pravo. – Moskva, 2009. – S.17,18.
12. Tillabayev M. Sotrudnichestvo gosudarstvennix organov i institutov grajdanskogo obshyestva v sfere zashiti prav cheloveka //Demokratizatsiya i prava cheloveka. – 2008. – №2. – S.120.
13. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013 y., 41-son, 549-modda.
14. O‘zbekiston yuridik ensiklopediyasi. Mas'ul muharrir N.Toychiyev. – T.: Adolat, 2010. – B.167.
15. O‘zbekistonda fuqarolik jamiyati institutlarini shakllantirish masalalari: nazariya va amaliyot // Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – T.: TDYI, 2007. – B.45–50.
16. Fedorov V.V. Obshyestvenniy kontrol za deyatelnostyu ugovovno-ispolnitelnoy sistemi kak forma vzaimodeystviya grajdanskogo obshyestva s gosudarstvom. Avtoreferat dissertatsii na soiskaniye uchenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk – Vladimir, 2006. – S.4.
17. Hakimov R. Mamlakatni modernizatsiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etishda jamoatchilik nazoratini takomillashtirishning dolzarb masalalari // Fuqarolik jamiyati. – 2011. – №10. – B.5.
18. Chorshanbiyev J. Jamiyatni demokratlashtirish, inson huquqlarini himoya qilishda jamoatchilik nazoratining roli // Jamiyatni demokratlashtirish va inson huquqlarini ta'minlash – O‘zbekiston tajribasi mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – T.: Chashma Print, 2009. – B.336.
19. Chorshanbiyev J. Fuqarolik jamiyati shakllanishida jamoatchilik nazoratining ahamiyati // Demokratlashtirish va inson huquqlari. – T., 2008. №2. – B.14.